
ОШ ТАРҚАТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда қишнинг қировли, аёзли кунлари, айниқса аномал совуқ барчамизни синовдан ўтказмоқда.

Бугунги аномал совуқ кунларда аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож, эҳтиёжманд қатламига зарур ёрдам кўрсатиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Туман ҳокими Б. Ибрагимов ҳамда барча секторлар раҳбарлари хонадонма-хонадон юриб фуқароларимиз ҳолидан хабар олишди.

“Саҳоват ва кўмак” жамғармаси томонидан хонадонлар эгаларига зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам тарқатилди.

Туман ҳокимлигининг ташаббуси билан барча маҳаллаларда аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож, эҳтиёжманд қатламига, кўп қаватли уйларда яшовчи фуқароларга ҳомийлар томонидан ош дамланиб тарқатилди.

Фуқароларимиз бундай ғамхўрлик миннатдор эканликларини изҳор этишди.

2023-01-25 14:44:25